

Магистратурада ўқиётган хотин-қизлар контракт пули тўлаб берилади



■ Бу янгиликни жорий этиш тартибини белгиловчи ҳукумат қарори <https://telegra.ph/Davlat-oliy-talim-muassasalari-magistratura-bosqichida-talim-olayotgan-xotin-qizlarni-tolov-kontrakt-mablaglarini-tolab-berish-c-08-15> қабул қилинди.

Унга кўра, давлат ОТМларининг магистратура босқичига ўқишга қабул қилинган ва ўқиётган хотин-қизларга базавий тўлов-контракт (стипендиясиз) суммалари тўлиқ тўлаб берилади.

□ Бунинг учун талабгорлар ўзлари таълим оладиган ОТМ ректори (филиал директори) номига 15 сентябрга қадар ариза билан мурожаат қилиши керак.

Шу асосда ректорлар (филиал директорлари) ҳар йили 15 октябргача тегишли буйруқни қабул қилади.

■ Бу тартиб давлат олийгоҳлари билан бирга, қуйидагиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади:

- Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;
- Бош прокуратура Академияси;
- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби;
- Банк-молия академияси.

□ Шунингдек, бу тартиб нодавлат ОТМлар ва хорижий ОТМларнинг Ўзбекистондаги филиалларида магистратура босқичида таҳсил олаётган талаба хотин-қизларга нисбатан татбиқ этилмайди.